

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

«30 » январь 2020 й.

№ 52

Ioshkent sh.

**Оилавий тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш дастурлари
доирасида боғдорчилик, узумчилик ва иссиқхона хўжалигини
ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 11 декабрдағи ПҚ-4549-сон қарори ижроси юзасидан, шунингдек, оилавий тадбиркорлнкни қўллаб-кувватлаш дастурлари доирасида интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш, иссиқхоналар қуриш ҳамда уларни аҳолига лизинг ва кредит шартлари асосида бериш ҳисобига аҳоли бандлигини, даромадларини ва турмуш даражасини ошнриш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иктисолиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Марказий банк ва тижорат банкларининг Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги, Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда агентликлар деб аталади) ҳамда Ўзбекистон фермер, дехкон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, дехкон хўжаликлари ва томорқа ср эгаларини қўллаб-кувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) томонидан интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш, иссиқхоналар қуриш ҳамда уларни аҳолига лизинг ва кредит шартлари асосида бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш, иссиқхоналар қуриш ҳамда уларни аҳолига лизинг ва кредит шартлари асосида бериш тартибин тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари агентликларга ҳамда Жамғармага интенсив боғ, токзорлар барпо этиш ва иссиқхоналар қуриш учун қишлоқ хўжалигига фойдаланилмаётган очик ер майдонлари, захирада турган ҳосилдорлиги паст бўлган пахта ва ғалладан қисқарган майдонлар, шунингдек, яроқсиз деб топилган боғ ва токзорлар жойлашган ер майдонлари 10 йилгача муддатга вактинча фойдаланиш шарти билан ажратилишини таъминласин.

4. Белгилансики:

а) интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш, иссиқхоналар қуриш ишлари агентликлар ва Жамғарма томонидан, шунингдек, агентликлар билан келишган ҳолда бошқа ташкилотлар томонидан амалга оширилади;

б) интенсив боғ, токзорлар ва иссиқхоналар тижорат банклари, лизинг компаниялари, Жамғарма ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан аҳолига лизинг ёки кредит шартлари асосида берилади;

в) интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш, иссиқхоналарни қуриш ишлари куйидаги манбалар ҳисобига молиялаштирилади:

тижорат банкстарининг оиласи тадбиркорликни қўллаб-куватлаш дастурлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳар бир оила-тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида” 2018 йил 7 июнданги ПҚ-3777-сон қарори асосида “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури (кейинги ўринларда “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури деб аталади) доирасида ажратиладиган кредитлар;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Богдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигининг Узум етиширувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-куватлаш жамғармаси маблағлари;

Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-куватлаш жамғармаси маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари;

конун ҳужжатларида такикланмаган бошқа манбалар;

г) интенсив боғ ёки токзорлар – улар ҳосилга киргунга қадар (турига кўра) имтиёзли давр билан, иссиқхоналар – бир йиллик имтиёзли давр билан лизинг олувчига етти йилгача муддатга лизингга берилади;

д) тижорат банклари интенсив боғ ва токзорлар ташкил этиш лойиҳаларини молиялаштириш учун – улар ҳосилга киргунга қадар (турига кўра) имтиёзли давр билан, иссиқхона қуриш лойиҳаларини молиялаштириш учун – бир йиллик имтиёзли давр билан етти йилгача муддатга кредит ажратиши мумкин, “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида ҳамда Жамғарма маблағлари ҳисобига ажратиладиган кредитлар бундан мустасно.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

аҳолига интенсив боғ, токзорлар ва иссиқхоналарни лизинг шартлари асосида бериш тўғрисидаги лизинг шартномасининг намунавий лойиҳасини ишлаб чиқсан;

ўзлари қабул қилған норматив-хуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирын.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А. Кўчкоров, Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг аграп ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д. Вахабов ва Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Баш вазири



А. Арнпов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “30” январдаги 52-сон карорига
илова

**Интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш, иссиқхоналар қуриш
ҳамда уларни аҳолига лизинг ва кредит шартлари асосида
бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш, иссиқхоналар қуриш ҳамда уларни аҳолига лизинг ва кредит шартлари асосида бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

лизинг обьекти – кишлөк хўжалиги маҳсулотлари этиштириладиган интенсив боғ ва токзорлар, иссиқхоналар;

лизинг олувчи – лизинг шартномаси бўйича лизинг обьектини эгалик қилиш ва фойдаланиш учун олаётган жисмоний ёки юридик шахс;

лизинг тўловлари – лизинг олувчи томонидан лизинг берувчига лизинг обьекти қийматини қоплаш учун тўланадиган тўловлар, фоиз (устама) тўловлари, шунингдек, лизинг обьектини барпо этиш, қуриш, сотиб олиш, етказиб бериш билан боғлик бўлган барча харажатларни қоплаш учун тўланган тўловлар йигиндиси;

ташаббускорлар – интенсив боғ, токзор ёки иссиқхонага талабгор бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёки қишлөк хўжалиги ташкилоти.

3. Интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш, иссиқхоналар қуриш ишлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхонаи хўжалигини ривожлантириш агентлиги ҳамда Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-куватлаш жамгармаси, шунингдек, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги ёки Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги билаи келишгай ҳолда бошқа ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

4. Интенсив боғ, токзорлар ва иссиқхоналар ташаббускорларга лизинг ва кредит шартлари асосида тижорат банклари, лизинг ташкилотлари (кейинги ўринларда лизинг берувчи деб аталади) ва Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-куватлаш жамгармаси ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан берилади.

5. Интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш, иссиқхоналар қуриш ишлари қуйидаги манбалар ҳисобига молиялаштирилади:

тижорат банкларининг оиласи тадбиркорликни кўллаб-куватлаш дастурлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳар бир оила-тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида” 2018 йил 7 июндаги ПҚ-3777-сон қарори асосида “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури (кейинги ўринларда “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури деб аталади) доирасида ажратиладиган кредитлар;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигининг Узум етиширувчилар ва вино тайёрловчиларни кўллаб-куватлаш жамғармаси маблағлари;

Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгashi хузуридаги Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини кўллаб-куватлаш жамғармаси маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари;

қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш, иссиқхоналар қуриш ҳамда уларни аҳолига лизинг ёки кредит шартлари асосида бериш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

2-боб. Интенсив боғ, токзорлар барпо этиш ва иссиқхоналар қуриш

7. Туман ҳокимлиги:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда интенсив боғ, токзор ёки иссиқхонага талабгор бўлган ташаббускорларнинг дастлабки рўйхатини ушбу Низомга 2-иловада келтирилган жадвалга мувофиқ шакллантиради;

интенсив боғ, токзор барпо этиш ёки иссиқхона қуриш лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигига, Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигига ёки Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгashi хузуридаги Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини кўллаб-куватлаш жамғармасига (кейинги ўринларда сотувчи деб аталади) ёзма равишда мурожаат килади.

8. Сотувчи интенсив боғ, токзор ёки иссиқхонани ташаббускорларга лизинг ёки кредит шартлари асосида бериш учун лизинг берувчини ёки тижорат банкини аниқлайди, икки ой муддатда туман ҳокимлиги томонидан таклиф этилаётган ер майдонининг тупроқ-иклим шароити, сув таъминоти ҳамда

ташаббускорларнинг талабини инобатга олган ҳолда интенсив боғ, токзор барпо этиш ёки иссиқхона куриш лойиҳасини ишлаб чикиб тасдиклайди ва туман ҳокимлигига тақдим этади.

9. Туман ҳокимлиги тақдим этилган интенсив боғ, токзор барпо этиш ёки иссиқхона куриш лойиҳасини ташаббускорлар билан келишган ҳолда уларнинг якуний рўйхатинн ушбу Низомга 2-иловада келтирилган жадвалга мувофиқ тасдиклайди.

10. Туман ҳокимлиги ўн кун муддатда қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган очик ер майдонлари, захирада турган ҳосилдорлиги паст бўлган пахта ва ғалладан кисқарган майдонлар, шунингдек, яроқсиз деб топилган боғ ва токзорлар жойлашган ерларда интенсив боғ, токзор барпо этиш учун 10 гектардан, иссиқхона куриш учун 3 гектардан кам бўлмаган ер майдонини сотувчига 10 йилгача муддатга вақтинча фойдаланиш шарти билан ажратади.

Истисно ҳолларда ер участкасининг жойлашуви, контур яхлитлиги ва бошқа шароитларидан келиб чикиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда интенсив боғ ва токзор барпо этиш учун 5 гектардан кам бўлмаган ер майдони ажратилиши мумкни.

11. Сотувчи интенсив боғ, токзор барпо этиш ёки иссиқхона куриш учун ср майдони ажратилгандан сўнг ўн кун муддатда:

лизинг обьектини сотиш юзасидан лизинг берувчи билан шартнома имзолайди, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши хузуридаги Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини кўллаб-кувватлаш жамғармасн бундан мустасно;

интенсив боғ, токзор ёки иссиқхонани ташаббускорларга кредит шартлари асосида бериш бўйича тижорат банки билан битим тузади.

12. Сотувчи интенсив боғ, токзор барпо этиш ёки иссиқхона куриш лойиҳасини амалга оширишда танлов савдолари ташкил этувчиларни, лойиҳачи ташкилотларни, шунингдек, таъминотчи ва қурилиш ташкилотларини белгиланган тартибда жалб килиши мумкин, шунингдек, маҳаллий ва хорижий маслаҳатчиларни (экспертларни) ёллаши мумкин.

3-боб. Интенсив боғ, токзор ёки иссиқхоналарни лизинг ва кредит шартлари асосида бериш

1-§. Интенсив боғ, токзор ёки иссиқхоналарни лизинг шартлари асосида бериш

13. Лизинг берувчи лизинг олувчи билан лизинг шартномасини имзолайди ҳамда лизинг олувчи ўн беш кун муддатда лизинг обьекти қийматининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорида аванс (бўнак) маблағии лизинг берувчига тўлаб беради.

14. Лизинг берувчи лизинг объекти қийматининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорида аванс (бўнак) маблагни сотувчига тўлаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигининг Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-куватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобига барпо қилинадиган боғ ва токзорлар ёки куриладиган иссиқхоналар қийматининг қолган қисми сотувчи билан лизинг берувчи ўртасида тузиладиган олди-сотди шартномасига мувофиқ бўлиб-бўлиб тўланади.

15. Аванс (бўнак) маблаг тўлаб берилгандан сўнг сотувчи ва лизинг бсрувчи ўртасида тузилган олди-сотди шартномаси билан сотувчининг розилик хати лизинг объектига бўлган мулк ҳукуқи ва эгаллаб турган ер участкасига бўлган ҳукуқ лизинг берувчи номига давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос ҳисобланади.

16. Давлат хизматлари маркази орқали ҳудудий туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри филиали лизинг объекти эгаллаган ер майдонини ушбу Низомнинг 10-бандида кўрсатилган муддат ва шартлар асосида лизинг берувчи номига белгиланган тартибда расмийлаштириб беради.

17. Лизинг объекти, жумладан, интенсив боғ ёки токзор – улар ҳосилга киргунга қадар (турига кўра) имтиёзли давр билан, иссиқхона – бир йиллик имтиёзли давр билан лизинг олувчига етти йилгача муддатга лизингга берилади. Бунда имтиёзли давр асосий қарзга нисбатан татбиқ этилади, “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши хузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-куватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган лизинг объектлари бундан мустасно.

18. Лизинг фоиз ставкаси ушбу Низомнинг 5-бандида назарда тутилган ҳар бир молиялаштириш манбай учун қонун хужжатларида белгиланган фоиз ставкаларига лизинг берувчининг маржаси қўшиб ҳисобланган ҳолда белгиланади. Бунда лизинг берувчининг маржаси 4 фоиздан юқори бўлмаслиги лозим.

19. Тижорат банклари ўзаро келишилган шартлар асосида лизинг берувчига интенсив боғ, токзор ёки иссиқхона сотиб олиш учун тижорат кредити ажратиши мумкин.

20. Тасодифан нобуд бўлиши, йўқолиши, ўғирланиши, шикастланиши, бузилиши ва барвакт эскириши хавфи билан боғлик бўлган тарздаги ҳар қандай етказилиши мумкин бўлган заардан лизинг объектини сугурталаш тарафларнинг келишувига биноан амалга оширилади. Бундай келишув бўлмаган тақдирда, лизинг олувчи лизинг объекти сугуртаси учун жавоб беради.

21. Лизинг объекти қийматининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги аванс (бўнак) маблаг тўлангандан сўнг лизинг берувчи ўн кун муддатда лизинг объектини лизинг олувчига қабул қилиш – толшириш далолатномаси асосида топширади.

Лизинг тўловларининг қолган кисми шартноманинг бутун амал қилиш муддатига тақсимланади ва бўлиб-бўлиб тўланади. Лизинг тўловларининг миқдорлари ва даврийлиги лизинг шартномаси билан белгиланади.

22. Лизинг обьектига бўлган мулк ҳукуки лизинг олувчи томонидан лизинг обьекти қиймати тўлик тўлангунга қадар лизинг берувчига тегишли бўлади.

23. Лизинг берувчи лизинг муддати давомида лизинг обьектидан мақсадли фойдаланилишини ва лизинг тўловлари ўз вактида тўлаб борилишини назорат қиласди.

24. Лизинг обьектидан мақсадсиз фойдаланилганда ёки лизинг тўловлари лизинг шартномасида белгиланган муддатларда амалга оширилмагандага лизинг шартномаси бескор қилиниши мумкин.

2-§. Интенсив боғ, токзор ёки иссиқхоналарни кредит шартлари асосида бериш

25. Интенсив боғ, токзорлар ёки иссиқхоналар кредит шартлари асосида ташаббускорларга берилиши мумкин.

26. Тижорат банклари интенсив боғ ва токзорлар таъкил этиш лойиҳаларини молиялаштириш учун – улар ҳосилга киргунга қадар (турига кўра) имтиёзли давр билан, иссиқхона қуриш лойиҳаларини молиялаштириш учун – 1 йиллик имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга ташаббускорларга кредит ажратиши мумкин, “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-кувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобига ажратиладиган кредитлар бундан мустасно.

27. Интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш ҳамда иссиқхона қуриш лойиҳаларини молиялаштириш учун тижорат баиклари томонидан кредитлар белгиланган тартнбда ажратилади.

28. Кредит фоизи ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган ҳар бир молиялаштириш манбаси учун қонун ҳужжатларида белгиланган фоиз ставкаларнда қўлланилади. Бунда тижорат банкининг маржаси 4 фоиздан юқори бўлмаслиги лозим.

29. Тижорат банклари ўзаро келишилган шартларда ташаббускорларга интенсив боғ, токзор ёки иссиқхона сотиб олиш учун тижорат кредити ажратиши мумкин.

5-боб. Интенсив боғ, токзорлар ёки иссиқхоналарга бўлған ҳукукини расмийлаштириш

30. Лизинг берувчи лизинг тўловлари тўлик тўлаб бўлингандан сўнг беш кун муддатда лизинг обьектининг мулк ҳукукини лизинг олувчига ўтказиш тўғрисида далолатнома расмийлаштиради, лизинг обьектининг мулк ҳукукини ва эгаллаган ер майдонини лизинг олувчи номига расмийлаштириш тўғрисида туман ҳокимлигига ёзма равишда мурожаат қиласди.

31. Сотувчи интенсив боғ, токзорлар ёки иссиқхона қиймати ташаббускорлар томонидан тўлик тўлаб берилгандан сўнг беш кун муддатда интенсив боғ, токзорлар ёки иссиқхонага мулк ҳукуқини ва улар эгаллаган ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳукуқини ташаббускор номига расмийлаштириш тўғрисида туман ҳокимлигига ёзма равишда мурожаат килади.

32. Туман ҳокимлиги ўн кун муддатда ташаббускорларни (лизинг олувчини) дехқон хўжалиги сифатида рўйхатдан ўтказади ва унга интенсив боғ, токзорлар ёки иссиқхонага бўлган мулк ҳукуқини ва улар эгаллаган ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳукуқии берини тўғриснда (ташаббускор юридик шахс бўлса, боғ, токзор ёки иссиқхона эгаллаган ер майдонини узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисида) карор қабул қилади.

33. Туман ҳокимининг қарорида дехқон хўжалигининг интенсив боғ, токзор ёки иссиқхонадаги ягона ирригация ва бошка ягона объектлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 30-моддасига асосан ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳукуки (сервитут) мавжудлиги ҳамда ердан фойдаланишга оид мажбуриятлар кўрсатилниши шарт.

6-боб. Якунловчи қоидалар

34. Барпо этилган интенсив боғ, токзор ёки қурилган иссиқхонанинг сифати учун сотувчи масъул ҳисобланади.

35. Лизинг берувчи лизинг даврида лизинг олувчилар томонидан интенсив боғ, токзор ёки иссиқхонада экилган кўчатларни (экинларни) белгиланган агротехник талаблар асосида парваришлиш ишларини мунтазам назорат қилиб боради.

36. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қоинун хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Интенсив бол ва токзорлар барпо этиш, иссиқхоналар куриш, уларни ахолига лизинг ва кредит шартлари асосида бериш тартиби түрлесидаги низомга 1-й.това

Интенсив бол ва токзорлар барпо этиш, иссиқхоналар куриш, уларни ахолига лизинг ва кредит шартлари асосида бериш тартиби түрлесидаги низомга

СХЕМАСИ

Боскичлар	Субъектлар	Тадбирлар		Муддатлар
		Интенсив	Бог, токзор ёки иссиқхонага талабор	
1-боскич	Туман хокимлиги, фукароларнинг ўзини ўзи бошқарип органлари	Интенсив	бог, токзор ёки иссиқхонага талабор	булган
2-боскич	Туман хокимлиги	Интенсив	бог, токзор ёки иссиқхона куриш тойижасини амалга ошириш түрнисида Кашшюк хўжалигини вазирларни хузурлиги агентлиги Бодгорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлишига Узумчилик ва виноччиликни ривожлантириш агентлигига ёки Ўзбекистон Фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгаларини кўпласб-куватлаш жамғармасига ёзма мурожаат килиш.	Ташаббускорлар мурожаати асосида
3-боскич	Бодгорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантирип агентлиги, Узумчилик ва виноччиликни ривожлантириш агентлиги, Фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгаларини кўпласб-куватлаш жамғармаси	1. Интенсив бол, токзор ёки иссиқхонани ташаббускорларга лизинг ёки кредит шартлари асосида бериш учун лизинг танилотини ёки тизкорат банкини аниқдай. 2. Интенсив бол, токзор барпо этиш ёки иссиқхона куриш тойижасини ишлаб чиниш, гасдиқлаш ва туман хокимлигига тақдим этиш.	Икки ой муддатда	Ташаббускорнинг дастлабки рўйхати шакллантириш андан сўнг
4-боскич	Туман хокимлиги	Ташаббускорга лизинг ёки кредит шартлари асосида берип учун интенсив бол, токзор барпо этишга 10 гектардан хамда иссиқхона куриш учун 3 гектардан кэм бўлмаган ер майдонини Бодгорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги, Узумчилик ва виноччиликни ривожлантириш агентлиги, Фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгаларини кўпласб-куватлаш жамғармасига 10 йилдан кам бўлмаган муддатга вактича фондалалити шарти билдижратиш.	10 кун муддатда	Истисно холларда ер участкасининг жойлашуви, контур яхтитлиги ва боника шароитларидан келиб чишиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамаси билан кешишинган холда интенсив бол ва токзор барпо этиш учун 5 гектардан кам бўлмаган ер майдони ажратилиши мумкин.

5-боскич	<p>Бодорчилник ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги, Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги</p> <p>Интенсив баг ва токзор барпо этиш, иссиқхона куриш хамда унга бўлган хукукни расмийлаштириш.</p>	Лойихада белгиланган муддатларда
6-боскич	<p>Бодорчилник ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги, Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги</p> <p>Лизинг ташкилотлари, Фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгаларини кўллаб-кувватлаш жамгармаси, токкорат банклари</p>	<ol style="list-style-type: none"> Лизинг объектини харид килиш юзасидан шартнома имзолаш. Тижорат банки билан интенсив баг, токзор ёки иссиқхона учун кредит ажратиш бўйича битим тузиш.
7-боскич	<p>Лизинг ташкилотлари, Фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгаларини кўллаб-кувватлаш жамгармаси, токкорат банклари</p> <p>Лизинг ташкилотлари, Фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгаларини кўллаб-кувватлаш жамгармаси</p>	<ol style="list-style-type: none"> Лизинг шартномасини имзолаш, лизинг объекти кийматининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорида аванс (бўнак) маблагни лизинг берувчига тўлаб берниш. Ўзаро келишилган шартларда ташаббускориарга интенсив баг, токзор ёки иссиқхона сотиб олиш учун кредит ажратиш.
8-боскич	<p>Лизинг ташкилотлари, Фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгаларини кўллаб-кувватлаш жамгармаси</p> <p>Лизинг ташкилотлари, Фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгаларини кўллаб-кувватлаш жамгармаси</p>	<ol style="list-style-type: none"> Интенсив баг, токзор ёки иссиқхонани ташаббускорга кабул килиш – топшириш далолатномаси асосида топшириш.
9-боскич		<ol style="list-style-type: none"> Лизинг тўливиари тўлиқ тўлаб бўлингандан сўнг интенсив баг, токзор ёки иссиқхонага мулк хукукни ташаббускорга ўтказиш тўғрисидаги далолатномани расмийлаштириш; Интенсив баг, токзор ёки иссиқхонага бўлган мулк хукуки ва эшашган ёр майдонига бўлган хукуки ташаббускорномига расмийлаштириш тўғрисида туман хокимлигига ўзма равишда мурожаат килиш.
10-боскич		<p>Туман хокимлиги</p> <p>Ташаббускорни дехкон хўжалиги сифатида рўйхатдан ўтказиш, интенсив баг, токзор ёки иссиқхона мулк хукукни ва улар эгаллаган ёр участкасига мерос килиб колдириладиган умрбод эгалик килиш хукукини берниш тўғрисида (ташаббускор юридик шахс бўлса, баг, токзор ёки иссиқхона эгаллаган ёр майдонини узок муддатли ижарага бериш тўғрисида) карор кабул килиш.</p>

Интенсив бөг ва токзорлар барыу этиш, исикхоналар күршиш
хамда уларни ахолига имтиёзли лизинг шартлари асосида
бөрнүү тартибн түгрикىдага низомга
2-милова

ВИЛОЯТИ туманида интенсив бөг, токзор ёки исикхонани лизинг (кредит)
шартларни асосида олувчи ташаббускорлар
РҮЙХАТИ

T/P	Ташаббускорлар	Барло этиладиган интенсив бөг, токзор ёки куриладиган исикхона манзили (худуди, контур раками)	Барло этиладыгандан интенсив бөг ёки токзоринин жэмми майдони, га	шулдан: токзор майдони, га	интенсив бөг майдони, га	интенсив бөг мевали дарахт түрнэвэллары
1						
2						
3						
4						
...						
		Жами:				

Туман хокими
(мүчкүр)

ММЗО

Ф.И.О.

